Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 21 декабрь, № 256 (6950) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ДАВЛАТ КЕНГАШИ АЪЗОСИ, МУДОФАА ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 декабрь куни мамлакатимизга ташриф билан келган ХХР Давлат кенгаши аъзоси, мудофаа вазири Чан Ваньцюанни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, турли даражадаги алоқалар фаоллашиб, самарали ҳамкорлик мустаҳкамланаётгани мамлакатларимиз ўртасида ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари жадал суръатларда изчил ривожланишига хизмат қилаётганини катта мамнуният билан таъкидлади.

Жорий йил май ойида Хитой Халқ Республикасига олий даражадаги ташриф якунида эришилган келишув ва имзоланган шартномаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Хитой Давлат кенгаши аъзоси, мудофаа вазири Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Чан Ваньцюан Ўзбекистон Қуролли Кучлари салоҳияти ва мудофаа қобилиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни юксак баҳолаб, Хитой томони бу соҳада ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлашга тайёр эканини билдирди.

ЎзА.

Ёлқин ШАМСИДДИНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини белгилаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 19 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда маъқулланган

1-модда. Август ойининг биринчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари куни этиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 20 декабрь
№ ЎРҚ—449

Халқимиз туб ўзгаришлардан мамнун

"Энг аввало, одамларимиз ислоҳотлар самарасини келажақда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур". Президентимизнинг ушбу сўзлари Оролбўйи минтақасидаги ўзгариш ва янгиланишлар мисолида ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Буни давлатимиз раҳбарининг 15-16 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига қилган ташрифидан қувонган ҳудуд аҳли алоҳида эътироф этаяпти.

ДИЛ СЎЗИ

Қутли ҚЎШИМБЕТОВА,
Кўнғирот туманидаги "Қорақалпоғистон" шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, "Шуҳрат" медали соҳибаси:

— Президентимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари билан учрашувидан унутилмас таассуротлар олдик. У киши одамларимизнинг дарду ташвишлари ҳақида қуюнчаклик билан гапирди. Аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш юзасидан зарур кўрсатма ҳамда топшириқлар берди. Минтақада яшовчилар муаммоларига ўз вақтида ва адолатли ечим топиш лозимлигини таъкидлади.

Бу вазифаларни тўлақонли бажариш, аввало, маҳалла тизими ходимлари иш тутумини янада фаоллаштиришни талаб қилади. Тўғри, ўзимизга қарашли ҳудудда ким қандай яшаётганини яхши биламиз. Лекин уларнинг кўнглидаги орзу-истаклари, ғамташвишларидан хабардормизми? Яхши дўст, суянчиқ бўла олаяпмизми? Демак, одамлар орасида кўпроқ юришимиз керак.

Фуқаролар йиғинимиз Нукус шаҳридан 450 километр, туманимиз марказидан эса 350 километр олисда жойлашган. Шаҳарчамиз тинч-осойишта. Йил давомида ҳудудимизда биронта ҳам жиноят содир этилмади. Бизда эҳтиёжманд ҳамда нотинч оилаларни атайлаб қидирсангиз ҳам, тополмайсиз. Турмушимиз йилдан-йил яхшиланиб бормоқда. Куни кеча Президентимиз совғаси — "Nexia" автомашинасини тантанали равишда қабул қилиб олдик. Бу ғамхўрлик эндиликда ишимизга янада унум бағишлайди.

(Давоми 3-бетда).

ХИТОЙ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкент шаҳрида 20 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Абдусалом Азизовнинг Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, мудофаа вазири Чан Ваньцюан билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда ҳарбий, ҳарбий-техник ва ҳарбий таълим соҳаларидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси ва Хитой Халқ озодлик армияси Миллий мудофаа университети ўртасида ҳарбий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

ХХР мудофаа вазири пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйди.

Ташриф дастури доирасида Хитой делегацияси аъзоларининг мамлакатимиз ҳарбий қисмлари ва муассасаларида учрашувлар ўтказиши ҳамда Самарқанд шаҳрининг қадимий тарихий ёдгорликлари билан танишиши кўзда тутилган.

А. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

ҚИРҒИЗИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ САМАРҚАНДДА

Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши раиси Д. Жумабеков бошчилигидаги делегация 20 декабрь куни Самарқанд шаҳрида бўлди.

Меҳмонлар дастлаб Ҳазрати Хизр мажмуасида бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Буюк Юртбошимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирилди. Мажмуада амалга оширилган улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, маҳобатли мақбара, миллий услубдаги айвон ва бошқа иншоотлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Қирғизистон делегацияси вакиллари буюк муҳаддис Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилди. Регистон мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонаси ва бошқа тарихий обидаларда бўлди. Меҳмонларга осориатиқалар тарихи ва вилоятда кейинги йилларда олиб борилган бунёдкорлик-ободончилик ишлари ҳақида ҳикоя қилинди.

Ғ. ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2017 йил 20 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев бошқарди.

Сенаторлар ишни Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Таъкидланганидек, 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг, солиқ ва бюджет сиёсати концепциясининг прогнозлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган ва 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қайд этилган мақсад ва устувор йўналишлар, шунингдек, жойлардаги ишларнинг реал ҳолати ҳамда ҳудудлар имкониятларини ўрганиш, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни аниқлаш асосида ишлаб чиқилган.

2018 йилга мўлжалланган Давлат бюджети халқаро молия институтлари томонидан тан олинган макроиқтисодий кўрсаткичлар, нарх индекслари асосида тузилган. Жумладан, 2018 йилда ЯИМ 290,6 триллион сўм миқдорида бўлиши, ЯИМ дефлятори 14,1 фоизни ташкил этиши, истеъмол нархлари индекси 12-13 фоиз бўлиши кутилмоқда. Давлат бюджетининг параметрлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,02 фоиз профицит билан бажарилиши кутилмоқда.

2018 йилги солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари солиқ юки янада камайтирилишини, бир хил солиққа тортиш базасига эга солиқ ва мажбурий тўловлар миқдорининг қисқартирилишини, маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси мустаҳкамланишини ва уларнинг мустақиллиги оширилишини, ресурслардан оқилона фойдаланилишини ҳамда бюджетга тушумларнинг тўлиқ тушиши таъминланишини кўзда тутади.

Хусусан, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ўртача 30 фоиз камайтирилиши назарда тутилмоқда, бу эса, ўз навбатида, аҳолининг тадбиркорликка интилишини янада оширишга олиб келади.

2018 йилга мўлжалланган Давлат бюджети харажатларининг асосий йўналишлари мамлакат бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолишни назарда тутади. Хусусан, 2018 йилда ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар 34,7 триллион сўмни ташкил этади. Қабул қилинган давлат дастурларини амалга оширишга эса 8,5 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш таклиф этилмоқда. 2017 — 2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш Дастури доирасида мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлашга 815 миллиард сўм ёки 2017 йилдагига нисбатан қарийб 3 баробар кўпроқ маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда. 48 та олий таълим муассасасининг моддий-техника базасини яхшилашга 559,1 миллиард сўм ёки 2017 йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган. 296 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишларига 803,6 миллиард сўм йўналтирилади.

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжатида уй-жой коммунал ишларини бажариш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу ишларга 230,3 миллиард сўм ажратилади, шу жумладан, кўп қаватли уйларга туташ ҳудудларни ободонлаштиришга 47,2 миллиард сўм, кўп қаватли турар-жой фондининг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгиларига алмаштиришга 22,4 миллиард сўм йўналтирилади.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида 915,4 миллиард сўм ҳажмида ёки 2017 йил параметрларида назарда тутилганидан 2,5 баробар кўп маблағ йўналтирилади.

Сенаторларнинг фикрича, 2018 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг, солиқ ва бюджет сиёсати концепциясининг прогнозлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мос келади.

(Давоми 2-бетда).

Ҳаётбахш ислоҳотлар, эзгу саъй-ҳаракатлар

парламент юқори палатаси ялпи мажлисида кўрилган масалаларнинг мазмунини ташкил этади

Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида жамиятни изчил янгилаш, аҳоли турмуш сифатини янада яхшилаш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда рўёбга чиқаришга қаратилган қатор масалалар кўриб чиқилмоқда. Мухбиримиз уларнинг айримлари мазмун-моҳияти ҳақида сенаторлар фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Мухамет ДЖУМАГАЛДИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси:

— Мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли ўзгаришлар жараёнида тинчлик, осойишталикни асраш, одамлар эмин-эркин ишлаши ҳамда яшаши учун ҳар томонлама шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди, десак, асло янглишмаймиз. Жумладан, иқтисодиётдаги ислоҳотлар Ўзбекистонни юзлаб, минглаб йирик ва истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётган бунёдкорлик майдонига айлантирди.

Албатта, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келтирилганидек, бугунги кунда дунё миқёсида шафқатсиз рақобат тобора кескин тус олмоқда. Бундай мураккаб шароит аҳоли фаровонлигини юксалтириш, давлат ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳасини барқарор ривожлантириш, Ватанимизнинг ёруғ келажагини бунёд этиш учун қатъий, чуқур ўйланган ва пухта иқтисодий, молиявий сиёсат олиб боришни тақозо қилади. Шу боис ҳам сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала муҳокамасига алоҳида эътибор қаратишди.

(Давоми 3-бетда).

2017 ЙИЛ — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Одамийликнинг олий намунаси

Хоразм вилоятида ногиронлиги бўлган, уй-жойга муҳтож 48 нафар фуқарога янгиланган намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган арзон тураржойлар тантанали равишда топширилди.

Инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат замирида халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, айниқса, эҳтиёжманд фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашдек олижаноб мақсадлар мужассам. Бу муҳим масалалар 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ўз ифодасини топган.

Инсон қачон ўзини бахтли ҳис қилади? Қачонки, у талпинадиган қўрғони — оиласида осудалик, фаровонлик, кўнглида эса хотиржамлик, эртанги кунга ишонч бўлса... Оиладаги файзу барака кўп жиҳатдан уй-жой таъминоти билан боғлиқ. Бинобарин, халқимиз "Уйи борнинг — ўйи бўлмайди", деб бежиз айтмайди.

Мамлакатимизда аҳолининг уй-жой шароитини тубдан яхшилаш йўлида қилинаётган кенг кўламли ишлар кўплаб ҳамюртларимизга ана шундай саодатни бахш этмоқда. Президентимизнинг "2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги ҳамда "2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари айни жараённинг жадал суръат касб этишида дастуриламал бўлаётир.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сенаторлар 2018 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тасдиқлаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилдилар.

Шундан сўнг сенаторлар "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақсади 2018 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатини амалга ошириш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларининг айрим меъёрлари бир хилда қўлланилиши учун уларга аниқлик киритиб қўйишдан иборат.

Қонун Бюджет кодекси, Солиқ кодекси ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи 3 та моддадан иборат. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга киритилиши назарда тутилган ўзгартиш ва қўшимчалар маҳаллий бюджетларнинг мустақиллигини ошириш, туманлар ва шаҳарларнинг захира жамғармаларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини назарда тутади. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг бюджет ваколатларини уларга қонун ҳужжатларида кўрсатилган алоҳида солиқлар бўйича белгиланган ставкаларга ҳудудларнинг ҳамда фаолият амалга ошириладиган жойнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда пасайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқини бериш орқали ошириш назарда тутилмоқда.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи билан фойда солиғи бирлаштирилаётганлиги, шунингдек, айрим турдаги мажбурий ажратмаларни ягона тўловга — давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларга бирлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартишлар киритилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу қонун ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг замонавий ташкилий-ҳуқуқий шаклларини жорий қилиш, ички идоравий назорат механизмини кучайтириш, давлат бошқаруви соҳасида расмиятчилик ва суиистеъмолчиликка чек қўйиш, шунингдек, давлат хизматлари кўрсатишнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий қилишга қаратилган.

Қонунда ҳуқуқни қўллаш амалиётини, соҳадаги мавжуд муаммоларни, шу жумладан, хорижий тажрибани чуқур ўрганиш асосида маъмурий тартиб-таомилларнинг умумий қоидалари белгиланган. Хусусан, давлат органлари ва фуқаролар, ташкилотларнинг ҳамкорлигини акс эттирувчи маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий тамойиллари кўрсатилмоқда. Қонунда ишларни кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилишнинг аниқ тартиби, маъмурий ҳужжатни бекор қилиш, ўзгартириш ёки қонуний кучга эга бўлмаган деб тан олиш учун асослар, норози бўлиб шикоят аризаси беришнинг умумий тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилган. Маъмурий ишларнинг таллаулқилиги, идораларо ўзаро ҳамкорлик, маъмурий иш юритишда вакиллик, ворислик, далиллар, маъмурий иш юритиш муддатлари ва маъмурий ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлар тўғрисидаги низомлар назарда тутилмоқда. Маъмурий иш юритиш иштирокчилари, шунингдек, маъмурий ишни ҳал қилишга кўмаклашувчи шахслар тоифалари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари батафсил белгилаб берилмоқда.

Сенаторларнинг фикрича, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши давлат органларининг фуқаролар ва юридик шахслар билан ўзаро муносабатларининг қонунийлик ва шаффофлик даражасини оширади, сифатли давлат хизматларини кўрсатиш учун шароитни таъминлайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилган "Келажак бунёдкори" медалини таъсис этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Қонуннинг мақсади ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшлар онгида мустақиллик ғояларига содиқлик туйғусини, миллий ўзликни англашни, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни ва юрт тақдирига дахлдорликни қарор топтириш, ёшларнинг ташаббусларини рағбатлантиришдир.

Қонун билан "Келажак бунёдкори" медалининг тавсифи ва "Келажак бунёдкори" медали тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Ушбу Низом "Келажак бунёдкори" медали билан халқ манфаатлари йўлида

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

садоқат билан хизмат қилаётган, юксак ватанпарварлик, фидойилик ва меҳнатсеварлик фазилатларини намоён этиб келаётган, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллиги ва ташаббускорлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган, ўқишда ва меҳнат фаолиятида катта ютуқларга эришган 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мукофотланиши тартибини белгилаб беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилган вазифаларни ижро этиш доирасида тайёрланганини қайд этдилар.

Муҳокама давомида сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси ҳарбий соҳадаги миллий хавфсизликни таъминлашга доир расмий қарашлар, принциплар ва ёндашувлар тизимини ўзида ифодалашини таъкидладилар. Ҳужжат республиканинг қонун ҳужжатларига ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланади, мамлакатнинг миллий манфаатларидан, жаҳондаги ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан, ҳозирда юз бераётган ҳарбий низолар хусусиятидан келиб чиқади, шунингдек, мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг истиқболдаги устуворликларини, Қуролли Кучларни тайёрлаш, ташкил этиш ва қўллаш асосий принципларини ҳамда йўналишларини белгилаб беради.

Шунингдек, ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка таҳдидлар кўлами ўзгаришига, ҳарбий-сиёсий вазият шарт-шароитларига ҳамда ҳозирги ҳарбий низолар хусусиятига, мамлакатимиз ҳарбий тузилмани ривожлантириш вазифалари ва йўналишларига қараб Мудофаа доктринасининг айрим қоидаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқлик киритилиши ва тўлдирилиши мумкин. Бунда ҳарбий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат фаолиятининг устувор йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан аниқлаштирилади.

Мудофаа доктринаси очиқ хусусиятга эга, бу эса шунга ўхшаш концептуал ҳужжатлар қабул қилиш борасидаги чет эл тажрибасига мос келади. Ҳужжат Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очиқлиги, яқин қўшнилар билан амалий муносабатларни ривожлантириш устунлигини мустаҳкамлайди ва ривожлантиради, шунингдек, мамлакатимиз мудофаа сиёсатининг шаффофлигини таъминлайди, хавфсизлик ва мудофаа соҳасида бошқа чет давлатлар билан самарали ҳарбий-сиёсий муносабатлар ва ҳамкорлик қилиш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелдаги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Олий суди томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор кодексларини тасдиқлашни назарда тутувчи қонунларни кўриб чиқдилар.

Олий Мажлис Сенатига кўриб чиқиш учун киритилган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги қонунлар суд-ҳуқуқ соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини акс эттиради. Мазкур ислоҳотлар суд тизимини изчил демократлаштиришга, суд ҳокимияти мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий принципга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган.

Кодексларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги, 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларида ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган талаблар эътиборга олинди.

"Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқиш давомида сенаторлар ушбу ҳуқуқий ҳужжат 1997 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик процессуал кодекси нормалари ва қоидалари асосида ишлаб чиқилганлигини қайд этдилар. Мазкур нормалар ва қоидалар замон талабини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида келтирилган фармонлари билан тасдиқланган дастурларни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Кодексда мавжуд нуқсонларни бартараф этиш мақсадида такомиллаштирилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

"Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни кўриб чиқилаётганда Кодекс Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Хўжалик процессуал кодексининг замон талабларини ҳисобга олиб ва амалдаги қонун ҳужжатларида мавжуд бўлган нуқсонларни бартараф этиш мақсадида такомиллаштирилган нормалари асосида ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Масалан, Кодексда айрим низоларни (чет эллик шахслар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари иштирокидаги ишларни; хорижий судлар ва арбитражлар қарорларини эътироф этиш ҳамда ижро этиш тўғрисидаги ишларни) кўриб чиқиш вилоят даражасидаги иқтисодий судлар судловига киритилди.

Низолар тез кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида судловга таллаулқилликнинг умумий қоидаси ўзгартирилди (юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга даъволар улар рўйхатдан ўтказилган жой бўйича судга тақдим этилади).

Фуқаролик процессуал кодексида бўлганидек, шартлашилган (ихтиёрий) вакиллар рўйхати келтирилмоқда, шунингдек, судда вакил сифатида ишларни кўриб чиқиш бўйича профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланишлари мумкин.

"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқишда таъкидланишича, маъмурий соҳалардаги ҳамда бошқа ҳуқуқий муносабатлар борасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳаларда қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш, қонун ва судга ҳурмат муносабатини шакллантириш Кодексда маъмурий суд ишларини юритишнинг муҳим вазифалари этиб белгиланган.

Шу муносабат билан Кодексда бир тарафдан давлат органлари ва (ёки) уларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа тарафдан жисмоний ва (ёки) юридик шахслар, ташкилотлар ўртасидаги оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича иш юритиш тартибини, шунингдек, бошқа оммавий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ишлар юритилиши тартибга солинади.

Кодекс маъмурий суд ишларини юритишнинг тамойилларини мустаҳкамлайди. Одил судловнинг фақат судлар томонидан ҳамда фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги, суд ишлари юритиладиган тил, судда иш кўришнинг ошкоралиги, судда ишни кўришнинг бевоситалиги ва оғзакилиги, ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш ва бошқа тамойиллар шулар жумласидандир.

Суд тизими фаолияти самарадорлигини ва аҳолининг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида Кодексда суд мажлисини аудио ва видеоёзувга олиш имконияти назарда тутилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 августдаги "Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида ушбу тармоқда таҳсинга лойиқ натижаларга эришилди. Темир йўл транспорти тармоқлари, бу — иқтисодиётимизнинг қон томирлари бўлиб, улар ёрдамида мамлакатимизда юк ва йўловчи ташиш, шунингдек, темир йўл ташувлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича диққатга молик ишлар бажарилмоқда.

Бугунги кунда "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятида 73 минг нафар юқори малакали ходим фаолият юритмоқда. Муҳандис-техниклар ва мутахассислар, йўл хизмати ходимлари, вагон машинистлари ва кузатувчилари, саноат, лойиҳалаштириш ва қурилиш ташкилотлари ходимлари, ижтимоий инфратузилма объектларининг ишчи ва хизматчилари, соҳанинг меҳнатсевар ходимлари шулар жумласидандир.

Улар меҳнати туфайли ўтган йиллар мобайнида темир йўл транспорти ходимлари томонидан 1,1 минг километрдан ортиқ темир йўллар ётқизилди, 4 минг километрдан ортиқ темир йўл магистраллари модернизация қилинди, 1,7 минг километр темир йўл узеллари электрлаштирилди, 1,4 миллиард тонна юк ташилди, шунингдек, 350 миллиондан ортиқ йўловчи манзилларига етказилди.

Темир йўл транспортининг турли тармоқлари ходимлари фаолиятининг ўта мураккаб ва муҳимлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Қонуни августнинг биринчи якшанбасини Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари куни деб белгилайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги Фармонига мувофиқ тайёрланган "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Сенаторлар томонидан таъкидланганидек, мустақиллик даврида мамлакатимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Қурилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартирди, балки ҳаётимизга алоҳида мазмун-моҳият бағишлаб, инсон манфаатларига хизмат қила бошлади. Хусусан, аҳолини арзон ва қулай тураржойлар билан таъминлаш мақсадли дастурлари доирасида намунали кўп қаватли уйлар, маданият ва санъат марказлари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий объектлар қурилмоқда, шунингдек, йўллар, кўприклар ва бошқа инфратузилма объектлари барпо этилаяпти.

Сенаторлар таъкидлаганидек, август ойининг иккинчи якшанбасини Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни деб белгиловчи "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши соҳа ходимларига ўз касб байрамини давлат миқёсида нишонлаш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига тузатишлар 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги ислоҳотлар муносабати билан тайёрланган "Айрим давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилнинг 5 октябридаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари ва улар ходимларига нисбатан маъмурий жазо қўллаш бўйича функция ва ваколатларини суд органларига босқичма-босқич беришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу суд ҳокимиятининг тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ролини оширишга хизмат қилади, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига нисбатан маъмурий чораларни қўллашда нохолис ёндашувнинг олдини олишга кўмаклашади.

Бундан ташқари, Кодексга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар бировнинг мулкини қасддан йўқ қилиш ёки зарар етказиш учун жавобгарлик механизмини мақбуллаштиради, давлат органи мансабдор шахслари томонидан парламент сўрови, депутат сўрови, сенатор сўровини кўриб чиқмай қолдирганлик ёки узрли сабабсиз уларни кўриб чиқиш муддатларини бузиш ёхуд улар бўйича ишончсизлиги аввалдан маълум бўлган маълумотларни тақдим этганлик учун жавобгарлик киритишни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига банклар томонидан тўловлар узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш ҳамда банкларни кредитлаш шартлари тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги ва қулайлигини таъминлаш мақсадида банкларнинг ликвидлилигини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан кредитлар ажратишни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижтимоий шерикликни амалга ошириш соҳасини белгилаш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқларига аниқлик киритишни назарда тутувчи нормалар билан тўлдирилмоқда. Шунингдек, "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига хавфли ишлаб чиқариш объектларини ҳисобга олиш ва уларнинг давлат реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланишини назарда тутувчи қўшимчалар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими жорий этилди. Шундан келиб чиқиб, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Меҳнат кодексига, Уй-жой кодексига, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими номларига тегишли бўлган ўзгартишлар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси тегишли нормалар билан тўлдирилмоқда. Улар никоҳни бекор қилиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган. Жумладан, ушбу қўшимчаларга мувофиқ суд (Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари) эр-хотинга ярашиш учун (ариза топширилган кундан бошлаб) муҳлат тайинлаб, ишнинг кўрилишини кейинга қолдирган тақдирда, эр-хотиннинг бирга яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини, агар улар бирга яшамаётган бўлса, ҳар бирининг яшаш жойидаги фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиясини эр-хотинни яраштириш бўйича тегишли чоралар кўриш учун уч кундан кечиктирмасдан ёзма равишда хабардор қилиши керак. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 18 июлдаги Фармонини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган "Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

Қонун ҳужжати солиқ солиш тизимини изчиллик билан соддалаштиришга, солиқ солиш базасини кенгайтиришга, солиқ маъмуриятчилигининг замонавий усулларини жорий этишга қаратилган.

Қонунга мувофиқ, Солиқ кодекси ҳалол солиқ тўловчиларга солиқ солишга доир жорий масалаларни ҳал қилишда ҳар томонлама кўмак бериш орқали улар ва солиқ органлари ўртасида кенгайтирилган ахборот алмашинувини назарда тутадиган солиқ мониторинги жорий этилишини белгилаб берувчи янги "Солиқ мониторинги" боби билан тўлдирилмоқда.

Шунингдек, қонун билан Фуқаролик кодекси ва "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган ва муқаддам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши натижасида юзага келган солиқ қарздорлигига эга бўлган, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширган жисмоний шахсларга банкротликнинг қўлланишини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Солиқ кодексига ҳамда "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда интернетда савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасида солиқ назоратини амалга ошириш механизмларини жорий этиш назарда тутилган.

"Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Солиқ кодексига киритилган ўзгартишлар билан солиқ тўловчи ваколатли органларга мурожаат қилган санадан бошлаб 15 иш куни давомида ортиқча тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш ёки ҳисобга олиш тартиби ўрнатилмоқда. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, қонун билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги қарорига мувофиқ "Гаров тўғрисида"ги, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги ҳамда "Ипотека тўғрисида"ги қонунларга ўзгартишлар киритилмоқда.

Қонуннинг бир қатор қоидалари вояга етмаган болаларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Жумладан, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз болаларни, шунингдек, ота-оналарни таъминлаш учун алиментлар тўлашдан бўйин товлаш муддатлари қисқартирилмоқда. Бу муддат тугагач, шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

Вояга етмаган болаларнинг, шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз ва муҳтож ота-оналарнинг моддий таъминотига салбий таъсир кўрсатилишига ва қарздорнинг алимент мажбуриятлари бўйича тўлов қобилиятининг ёмонлашувига йўл қўймаслик мақсадида Жиноят кодексидан жарима тарзидаги санкция чиқариб ташланмоқда. Бундан ташқари, алиментлар тўланишини таъминлаш мақсадида Жиноят кодекси шахс моддий зарарни қоплаган тақдирда, уни жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги қоидалар билан тўлдирилмоқда.

Оила кодексига қўшилган нормага мувофиқ, вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар бола вояга етгунига қадар бўлган давр учун, шу жумладан, кўчмас ёки кўчар мулк тарзида ёхуд бошқа қимматли ашёни бериш йўли билан олдиндан тўланиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш босқичида уларнинг ҳар томонлама муҳокамасини таъминлаш, улар нормаларининг сифатини ошириш мақсадида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Уларда қонун лойиҳасини тайёрлаш вақтида жамоатчилик фикрини ўрганишда фуқаролик жамияти институтлари ва илмий-тадқиқот муассасалари вакилларининг иштирок этиши назарда тутилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилиши муносабати билан қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши судда маъмурий ва жиноий ишларни кўриб чиқиш тартибини янада такомиллаштиришга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) ва Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенциянинг Авиация ускуналари бўйича протоколига (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) қўшилиши ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар ва маъқуллашдилар.

Ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар Кейптаун шаҳрида 2001 йил 16 ноябрда қабул қилинган ва 2006 йил 1 мартда кучга кирган. Бугунги кунда 73 та давлат мазкур халқаро ҳужжатларнинг иштирокчилари ҳисобланади.

Кейптаун Конвенцияси ва Авиация ускуналари бўйича протокол билан авиация объектлари — самолётлар, двигателлар ва ҳоказоларга ушбу ҳужжатларнинг барча иштирокчи давлатлари томонидан эътироф этиладиган халқаро кафолатлар вужудга келиши тартиби ва оқибати белгилаб берилади.

Сенаторларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиши Ўзбекистон Республикаси фуқаролик авиациясининг ҳаво кемалари саройини модернизациялашда қимматбаҳо авиация техникасини харид қилиш учун сарфланадиган давлат харажатларини тежаш имконини беради, бу эса пировардида парвозлар хавфсизлиги даражасини оширишга кўмаклашади.

Сенаторлар "Хорватия Республикасининг Европа иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо-давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шериклик таъсис этувчи Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида Битимга Баённомани (Брюссель, 2017 йил 17 июль) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини кўриб чиқдилар.

1996 йил 21 июнда Флоренцияда имзоланган Европа Ҳамжамиятлари билан Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим (ШҲБ) Ўзбекистон Республикаси билан Европа иттифоқи ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Ҳозирги вақтда ШҲБ қоидалари Ўзбекистон ва Европа иттифоқининг 27 та аъзо-давлати ўртасидаги ҳамкорликка татбиқ этилади.

Баённома Хорватия Республикасининг Европа иттифоқига қўшилиши муносабати билан Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва у билан боғлиқ бошқа ҳужжатларнинг Хорватия Республикаси томонидан тасдиқланишини назарда тутади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджети харажатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар ҳамда тегишли қарор қабул қилдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн учинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Энг тезкор хабарларни, долзарб таҳлилларни «Халқ сўзи — online» www.xs.uz янгиланган порталида ўқинг!

Ҳаётбахш ислоҳотлар, эзгу саъй-ҳаракатлар

парламент юқори палатаси ялпи мажлисида кўрилган масалаларнинг мазмунини ташкил этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжатида маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий мустақиллигини янада ошириш бўйича аниқ механизмлар кўзда тутилгани, айниқса, диққатга сазовор. Жорий йилдан бошлаб, маҳаллий бюджетларнинг прогнозлари ошириб бажарилган қисмини тўлиғича маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қолдириш амалиёти йўлга қўйилгани бугун ўз самарасини бераяпти. Бундай рағбатлантириш тартиби натижасида жами маҳаллий бюджет даромадлари 2016 йилдагига нисбатан 20 фоиз кўпайди. Жорий йилнинг тўққиз ойида даромадларни белгиланган режа кўрсаткичларидан ортиғи билан бажариш натижасида 504 миллиард сўмлик маблағ маҳаллий ҳокимиятлар ихтиёрида қолдирилди. Бу саъй-ҳаракатлар келгуси йилда ҳам изчил давом эттирилиши ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Мақсуда ВОРИСОВА,
Зангиота туманидаги
“Назарбек” қишлоқ врачлик
пункти мудири, сенатор:

— Саломатлик — бебаҳо бойлик. Бу давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборидаги масаладир. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, фуқаролар соғлиғини сақлаш, шу тариқа уларнинг бахтли ҳаёт кечиришини таъминлашга ҳар қачонгидан-да жиддий эътибор қаратилаяпти. Энг муҳими, тиббий хизмат бемор келишини кутиб ўтирмасдан, касалликнинг олдини олиш учун хонадонларга кириб бормоқда.

Жорий йилда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан яхшилаш учун ажратилаётган маблағлар ва бошқа ресурсларнинг кескин оширилгани, 2018 йилда биргина аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлашга ажратилаётган маблағни қарийб уч баробар ошириш назарда тутилаётганининг ўзи бу борадаги ишлар кўлами нечоғли кенг эканининг яққол далилидир.

Шунингдек, тез тиббий ёрдам хизмати автотранспортини замонавий техника ҳамда аппаратура билан жиҳозлаш, республика шошилинч тиббий ёрдам тизими муассасалари диспетчерлик хизматларининг ягона ахборот базаси ва маълумотлар узатиш тармоғини ташкил қилиш масаласи ҳам четда қолмаган. Мазкур тадбирлар учун келгуси йил Давлат бюджетида жами 141 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилиши назарда тутилган. Ҳомиладор аёллар ҳамда болаларда скрининг текширувларини тўлиқ ўтказиш мақсадида барча туман ва шаҳарларга юқори технологияли УЗИ-скрининг аппаратларини сотиб олишга 51,2 миллиард сўм, скрининг марказларини реактивлар, реагентлар ҳамда сарфлаш материаллари билан таъминлаш учун эса қарийб 28 миллиард сўм йўналтирилаётгани ҳам ана шу ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир.

Солижон МЎМИНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Бугун юртимизда давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш ва модернизация қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида электрон порталлар ва маълумотлар базалари яратилди. Хусусан, рухсат берувчи ҳужжатлар ҳамда лицензия олишни соддалаштириш учун махсус веб-сайтлар ишга туширилди. Давлат хизматларини қайта кўриб чиқиш ва оптималлаштириш туфайли тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг тартиб-таомиллари 4 марта, рўйхатга олиш учун зарур вақт эса 30 дақиқагача қисқартирилди. Шу билан бирга, сўнгги йилда амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг холис таҳлили, давлат бошқаруви органлари фаолияти, аҳоли билан очиқ ҳамда тўғридан-тўғри мулоқот натижалари мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ҳал этишга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатди.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун ушбу муаммоларни тизимли ҳал қилган ҳолда, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ҳамда очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим қилишнинг замонавий шаклларини жорий этиш, жамият ҳамда бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортиқча маъмурий сарф-харажатларга барҳам бериш имконини яратади. Қонун амалиётга татбиқ этилиши билан давлат хизматидаги ўзбошимчалик, суиистеъмол қилиш, коррупция ва бошқа салбий ҳолатлар жиддий камаяди, маъмурий жараённинг шаффофлиги таъминланади.

Ботир МАТМУРАТОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ
масалалари қўмитаси раиси:

— Президентимиз ташаббуси билан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган янги суд тизими — маъмурий судлар ташкил этилди. Сенаторлар томонидан кўриб чиқилган “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси ушбу тизим фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Негаки, кўп йиллардан бери давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқиш Фуқаролик ҳамда Хўжалик процессуал кодексларига мувофиқ, фуқаролик ишлари бўйича судлар ва хўжалик судлари томонидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга оширилаётган эди.

Эндиликда фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат идоралари томонидан бузилса, улар ҳар бир туман ҳамда шаҳарда тузилган маъмурий судларга мурожаат қилишлари мумкин. Хабарингиз бор, илгари ҳеч бир туманда бундай судлар фаолият юритмагани туфайли одамлар ўз муаммоларига вақтида ечим тополмасдан сарсон бўларди. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси маъмурий ишларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибини белгилаш, давлат органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий тартиб-таомилларини жорий этишга қаратилган.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни адолатли ҳал қилиш фуқароларнинг Конституция ҳамда қонунларимиз билан кафолатланган ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини муҳофазалашда алоҳида ўрин тутади. Шу боис бундай низоларнинг суд тартибида ҳал этилиши мамлакатда демократик тамойилларнинг амал қилишини янада кенгайтиради. Қисқача айтганда, фуқаро билан давлат ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этишда фуқаролар ҳуқуқларининг устуворлиги кафолатланади.

Тоҳир БАҲРОНОВ,
“Ўзбекистон ҳаво йўллари”
Миллий авиакомпаниясининг
Бухоро халқаро аэропорти
директори, сенатор:

— Олий Мажлис Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси юртимиз учун том маънодаги тарихий аҳамиятга эга бўлган 2017 йилнинг якуни арафасида ўтказилаётганида ўзига хос маъно бор. Бу, барча қатори, сенаторларга ҳам ортда қолаётган йилда ўз фаолиятига холис ва танқидий баҳо бериш, олдимизда турган долзарб вазифаларни белгилаб олиш имконини яратади.

Бинобарин, ўтаётган йилнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, Президентимиз томонидан илгари сурилган Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимизда ғоят қисқа муддатда тарихий ўзгаришлар амалга оширилди ҳамда шу тариқа мисли кўрилмаган юксалиш йўлига қадам қўйилди. Энг муҳими, ҳаётбахш ислоҳотлар ва уларнинг шиддати жамиятнинг барча жабҳасини бирдек қамраб олди ҳамда амалий натижалар ҳам шунга мос равишда тез фурсатларда кўзга ташланди. Чунончи, давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган янги ва прагматик ташқи сиёсат, авваламбор, Ўзбекистон учун жаҳоннинг илгари очилмаган эшикларини очди. Ўз навбатида, Ўзбекистон дунё миқёсидаги долзарб масалалар муҳокама этиладиган, эзгу мақсадлар йўлида халқаро ҳамжамиятнинг бошини қовуштиришга қодир бўлган маконга айланди. Бунда яқин қўшниларимиз билан алоқалар ҳамда ҳамкорлик мутлақо янги босқичга олиб чиқилди. Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилган долзарб масалалар, жумладан, қатор халқаро шартнома ҳамда ҳужжатларни ратификация қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам ушбу йўналишда эришилган ютуқ ва марраларимизни мазмунан бойитиш, олдимизда турган вазифаларнинг ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Шарипжон ЮЛДАШЕВ,
“Қўқон механика заводи”
акциядорлик жамияти
директори, сенатор:

— Поёнига етаётган 2017 йилда мамлакатимиз иқтисодиёт соҳасида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар тараққиётнинг янги уфқларини очди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бугун юртимизда тадбиркорлик ҳамда кичик бизнес ривожига халал берувчи бирор-бир суньий тўсиқ қолмади. Албатта, тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмлари тобора такомиллашиб бораётгани диққатга сазовордир.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан жорий йилда миллий суд тизимида янги маъмурий ҳамда иқтисодий судлар ташкил этилди. Қолаверса, ушбу институционал ўзгаришлар амалда бўлган маъмурий, жиноят, фуқаролик ва иқтисодий қонунчилигини такомиллаштиришни талаб этди. Сенаторлар томонидан кўриб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси амалдаги Хўжалик процессуал кодексидаги камчиликларни бартараф қилиб, унинг нормаларини замон талабларига мос равишда такомиллаштиргани ҳолда, иқтисодий судларимизда суд иш юритувини амалга ошириш тартибини белгилаб бераяпти. Кодекснинг янгиликларидан бири шундаки, иқтисодий судларга мурожаат этиш шакллари аниқ белгилаб берилмоқда. Унга кўра, иқтисодий судларга фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан вужудга келадиган низолар бўйича даъво аризаси билан, буйруқ тартибида иш юритиш, алоҳида тоифадаги ишлар бўйича ариза билан ҳамда апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига шикоят (протест) шаклида мурожаат этиш мумкинлиги белгиланмоқда.

Қобил ХИДИРОВ
ёзиб олди.

Халқимиз туб ўзгаришлардан мамнун

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Баҳром ЙЎЛДОШЕВ,
Кегейли туманидаги “Кегейли қоғоз”
масъулияти чекланган жамияти раиси:

— Маҳаллий хом ашёдан рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш катта иқтисодий самара келтиради. Корхонамиз айни шу мақсадда ташкил этилди. Қамиш, шоли, ғўзапоядан целлюлоза ва қоғоз ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Лойиҳа ижросига 5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Келгуси йилнинг иккинчи чорагидан технологик жараён бошланади. Шунда юз кишини ишга оламиз. Кейинчалик жамоамиз сафини кенгайтириб бориш кўзда тутилган.

Президентимиз ушбу лойиҳамиз тақдимоти билан танишиб, ўз таклиф ҳамда тавсияларини бергани фаолиятимизни изчил йўлга қўйишимизда қўл келади.

Рустам ЖАНГАБОЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган спортчи:

— Яқинда Нукус шаҳрида фойдаланишга топширилган Олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган мактабнинг икки қаватли биноси бўлажак чемпионлар учун маҳорат маскани вазифасини ўташи аниқ. Бу ердаги қулайликлар, замонавий инвентарь ҳамда жиҳозлар ҳавас қилса арзигулик. Қиймати 15,9 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари маҳаллий ёшларга спортнинг эркин кураш, дзюдо, оғир атлетика, қиличбозлик, ўзбек жанг санъати каби 11 тури билан шуғулланишлари учун кенг имконият берди. Президентимиз мазкур спорт муассасасига ташриф буюриб, яратилган шароитлар билан яқиндан таниш-ди. Давлатимиз раҳбари билан мулоқотда ҳаяжонимизни яширолмай турган пайтимизда бир гуруҳ спортчилар қатори менга Президентимиз совғаси — хонадон калити топширилиши чексиз мамнуният бағишлади. Давлатимиз раҳбари дзюдочи Элёр Машариповни “Malibu” автомашинаси, қиличбозлик бўйича халқаро турнирлар совриндори Зайнаб Дайибековани “Nexia” автомашинаси, бошқа ёш спортчиларни қимматбаҳо туҳфалар билан қўллаб-қувватлади.

Албатта, спортчи рағбат ва эътибордан куч олади. Бу ғамхўрлик бизни янги-янги ғалабалар сари ундайверади.

«Халқ сўзи» мухбири
Ҳидоят АҲМЕДОВ
ёзиб олди.

Одамийликнинг олий намунаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жамиятимизда, ён-атрофимизда ногиронлиги бўлган, меҳнатга лаёқатлилик даражаси чекланган одамлар бор. Улар орасида уй-жойга муҳтожларнинг ҳаётий муаммосини ҳал қилиш долзарб вазифадир. Таъкидлаш ўринлики, Янги йил байрами арафасида Хоразм вилоятида ана шундай 48 нафар фуқаронинг имтиёзли кредит асосида шахсий уй-жойга эга бўлиши учун бошланғич бадал тўлови Юртбошимиз номидан амалга оширилди.

Жавлонбек Отажонов Янгибозор туманидаги Қаландардўрмон қишлоғида яшайди. Турмуш ўртоғи билан уч фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқда. Кўзи ожиз бўлгани боис уй-жой сотиб олиш ёки қуришга имкони йўқ. Шунинг учун ҳам ота ҳовлисида ака-укаларининг оиласи билан кун кўришга мажбур эди. Давлатимиз раҳбари номидан ер майдони 2 сотиҳдан иборат уч хонали уй берилгани Жавлонбек ҳамда унинг оиласи учун чинакам айём тухфаси бўлди.

Янгиариқ туманидаги Таган қишлоғида яшовчи Наримон Абдуллаев I гуруҳ ногирони бўлиб, уй-жойли бўлиш унинг учун гўё ушламас орзу эди. Наримоннинг оиласига ҳам қишлоқда бунёд этилган янги турар-жойлардан бири ажратилди.

Хивалик Феруза Бобожонова — Янги йилни ҳар галгидан ўзгача, бир олам қувонч билан қарши олаётган юртдошларимиздан. Боқувчисини йўқотган, II гуруҳ ногирони бўлган бу аёл шу пайтгача ижарама-ижара яшаб келаётган эди. Унга янгиланган намунавий лойиҳа асосида қурилган уч хонали уй калити топширилди.

— Ҳар бир одамнинг ўз уйи бўлганига нима етсин?! — дейди Урганч туманининг Беговот қишлоғида истиқомат қилувчи Мансур Қутлимуродов. — Бир ҳовлида беш оила яшар эдик. Байрам арафасида туманимизда янги барпо этилган уйлардан икки хонали хонадон бизга ҳам насиб қилди. Янги уйга кўчиб ўтганда фарзандларимнинг шодлигини бир кўрсангиз эди!

Чиндан ҳам, кўҳна воҳада янги уйларни топшириш тадбирлари катта шодиёнага айланиб кетди. Айтиш жоизки, уй тўйларида иштирок этганлар одамийликнинг олий намунасига, меҳр-мурувват ва оқибат тантанасига гувоҳ бўлдилар.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Худайбергенов, Хоразм вилояти ҳокими И. Сабиров иштирок этди.

Одилбек ОДАМБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси қандай натижа бермоқда?

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси томонидан “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: йил сарҳисоби” мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

САРҲИСОБ

Тадбирда юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани таъкидланди. Хусусан, “Адолат — қонун устуворлигида” тамойили асосида одамларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатига муросасизлик ҳиссини кучайтириш ишлари изчил давом эттирилаётир. Бу борада, айниқса, шу йил 9 февраль куни ички ишлар органлари ходимлари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан илгари сурилган таклиф ҳамда ташаббуслар асосида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар муҳим ўрин тутаяпти. Буни ҳар ҳафтанинг пайшанба куни — “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” деб эълон қилиниб, унинг доирасида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида мазкур тадбирни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш механизми ишлаб чиқилди. Жиноятлар келиб чиқиш сабаблари аҳоли орасида муҳокама қилиниши ва муаммолар сайёр судларда кўриб чиқилиб, жойида ҳал этилиши натижасида жиноятлар салмоғи ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14,6 фоиз камайишига эришилди.

Анжуманда профилактика тадбирлари жараёнида олти миллиондан зиёд хонадонларга кирилиб, улардаги мавжуд муаммоларни жамоат ташкилотлари билан биргаликда бартараф қилиш чоралари кўрилгани ҳам айтиб ўтилди. Ўрганишлар чоғида 89 минг 243 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Шу билан бирга, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида 25 минг 792 та оиладаги нотинчликка барҳам берилди, 4 минг 374 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу саъй-ҳаракатлар боис бир минг 79 та маҳаллада умуман жиноят содир этилмади.

Тадбирда аҳолини ижтимоий аҳамиятга молик ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабардор қилиш, уларнинг огоҳлигини кучайтириш, қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича амалга оширилган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, жиноят ҳамда ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ ишлар сайёр судларда кўриб чиқилиши натижасида бир минг 56 та жиноятнинг олди олинди.

Матбуот анжуманида профилактика тадбирлари доирасида амалга оширилган бошқа саъй-ҳаракатлар ва уларнинг самаралари тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳарбий-ватанпарварлик фестивалида олти мингдан зиёд ёшлар қатнашди

Президентимизнинг 2017 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишига мувофиқ, шу кунларда юртимиз бўйлаб “Миллий армиямиз — ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир” шиори остида маънавий-маърифий учрашувлар, фестиваль ҳамда акциялар ўтказилмоқда.

АКЦИЯ



Улар Қуролли Кучлар фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, ёш авлодни маънан ҳамда жисмонан соғлом, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларга қаратилган.

Кеча пойтахтимиздаги “Бунёдкор” стадиони олдида жойлашган майдонда илк бор ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик фестивали ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан уюштирилган анжуман доирасида замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар кўргазмаси намойиш этилди.

Фестивалда ҳарбий хизматчиларнинг қурол билан саф ҳамда қўл жанги элементлари чиқиши, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ўқув-спорт техника клубларининг техник воситалари намойиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли ҳамда ёш хонандалар ижросида концерт дастури тақдим этилди.

Ёрқин таассуротларга бой бўлган анжуманда олти минг нафардан зиёд ёшлар қатнашди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим қадам

“Эшигимиз қўнғироғи жиринглаб қолди. Очсам — ўрта яшар киши, портфель кўтариб олган, қўлида варақа. Ўзини таништирди — туман Кенгаши депутатлигига номзоди қўйилган, сайловчилар билан учрашиб, варақа тарқатиб юрибди экан... Ҳа, шахсан ўзи тарқатиб, аҳоли билан ўзи учрашиб юрибди!” Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари шу йил 24 декабрда илк бор пойтахтимиз туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов кампаниясининг илгари учрамаган ижобий жиҳатлари хусусида алоҳида тўхталиб ўтишмоқда.

МУНОСАБАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида туманлар даражасида халқ депутатлари Кенгашлари таъсис этилди. Шу вақтгача пойтахт туманларининг фуқаролари бундай имкониятга эга эмас эди. Бу борада адолатли тиклаб, Конституциямизга тегишли ўзгартишлар киритилди. Тошкент шаҳри аҳолиси ҳам энди ўз вакиллари — депутатлар орқали туманларни бошқаришда иштирок этиш имкониятига эга бўлишаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Толибжон Мадумаров бу ҳақда тўхталиб, Тошкент шаҳар туманларида халқ депутатлари Кенгашларини тузиш туманлар даражасида маҳаллий бюджетларни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини кўриб чиқиш ҳамда қабул қилишда муҳим ўрин тутишини қайд этди. Унинг фикрича, халқ вакиллари ушбу муҳим ҳужжатлар ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатади. Кенгашлар сессиясида туманларда жойлашган маҳаллий давлат органлари раҳбарларининг ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари ҳамда ахборотлари тингланади. Натижада фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари билан боғлиқ масалаларни ўз ваколатлари доирасида ҳал этиш чоралари яратилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Президентимиз жорий йил 12 апрелда пойтахтимизнинг Чилонзор туманига ташрифи чоғида Тошкент шаҳри туманларида ҳам халқ депутатлари Кенгашларини ташкил қилиш ташаббусини илгари сурган эди. Бу ташаббус, ҳақиқатан ҳам, ҳаётий долзарб эди. Чунки азим Тошкентимизнинг ҳар бир тумани кундалик ҳаёти тубдан ўзгариб, янги инвестициявий лойиҳалар амалиётга татбиқ этилаяпти, ижтимоий инфратузилма такомиллаштирилмоқда. Биргина Сергели туманида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг кўлами ниҳоятда катта.

— Албатта, бундай кенг миқёсдаги лойиҳаларни амалга оширишда ижро органларининг масъулиятини кучайтириш мақсадга мувофиқ, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Тошпўлат Матибоев. — Ҳар бир туманда маҳаллий Кенгашларнинг ташкил қилиниши таъсирчан депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш миқёсини кенгайтиради. Чунки маҳаллий Кенгашлар депутатлари — халқ вакиллари сифатида одамлар дарди билан яшаши лозим бўлган, давлат сиёсатини энг қуйи нуқталарга етказадиган, жойларда муаммоларни беш қўлдек биладиган катта сиёсий куч. Агар давлат ҳокимияти вакиллик органлари қуйи бўғинда самарали ишласа, ижро органлари фаолияти ўз-ўзидан жонланади, халққа яқинлашади.

Депутатнинг айтишича, пойтахтимиз туманларида халқ депутатлари туман Кенгашларининг мавжуд эмаслиги қатор устувор вазифаларни самарали рўёбга чиқариш имконини бермаётган эди. Масалан, жорий йилдан бошлаб ички ишлар, прокуратура, соғлиқни сақлаш органларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари олдидаги ҳисобдорлиги йўлга қўйилди. Аммо буни Тошкент шаҳридаги туманлар даражасида ташкил этиш иложсиз эди. Қолаверса, йилдан-йилга бюджет қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиб, туман (шаҳар) даражасидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қатор ваколатлар берилди. Бу масалада ҳам пойтахтимиз туманларида депутатлик назоратини ўрнатиш очиқ қолаётган эди. Энг муҳими, икки ярим миллионга яқин аҳолига эга бўлган Тошкент шаҳрига атиги 60 нафар депутатнинг тўғри келиши ҳам жойларда туман даражасидаги муаммоларнинг кўп йиллар давомида ҳал қилинмасдан келишига сабаб бўлаётганди. Буни Президентимизнинг виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар сонидан ҳам билсак бўлади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси ўринбосари Ихтиёр Бековнинг айтишича, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловда иштирок этиш учун ҳар бир тумандан 150 нафар, жами 1650 нафар депутатликка номзод рўйхатга олинди. Туман сайлов комиссиялари қарори билан сайлов қонунчилиги талаблари асосида жами 330 та сайлов округи тузилди. Пойтахтимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир учун 885 та сайлов участкаси ташкил қилиниб, уларда сайлов комиссиялари фаолият юритиши ва фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун барча шароит муҳайё этилди. Депутатликка тегишли туман ижтимоий-сиёсий ҳаётида, иқтисодиётини ривожлантиришда фаол қатнашаётган, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик самарадорлигини оширишга кўмаклашаётган, билим ва тажрибага эга, фидойи партия вакилларидан номзодлар кўрсатишга алоҳида эътибор берилди. Сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг ўттиз фоизидан ортиғини хотин-қизлар ташкил қилди. Депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти бугунги кунда ўзининг ҳал этувчи босқичига кирди.

Умуман, 24 декабрда илк бор пойтахтимиз туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов ҳудуднинг ҳар томонлама равнақ топишида муҳим қадам бўлиши, шубҳасиз. Президентимиз қатъий ишонч билдирганидек, ана шу сайловларда эл-юрт учун чинакам жон куйдирадиган, одамийлик фазилатлари ҳамда гражданлик позицияси билан аҳоли ўртасида ҳурмат-эътибор қозонган инсонлар халқ вакиллари этиб сайланадилар.

Қобил ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Энг тезкор хабарларни, долзарб таҳлилларни «Халқ сўзи — online» www.xs.uz янгиланган порталида ўқинг!

КАСБУ ҲУНАР — БЕБАҲО БОЙЛИК

Президентимиз ташаббуси билан умумтаълим мактабларида 10, 11-синфларнинг қайта ташкил этилиши ёшлар, ота-оналар ва кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Бу эртамиз эгаларининг билимли, касб-ҳунарли бўлиб улғайиши, маънавияти, одобахлоқи, бўш вақтини мазмунли ўтказиши устидан маҳалла-кўй ва жамоатчилик назоратининг ўрнатилишига кенг имконият яратди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Дилшод КЕНЖАЕВ мухбиримизга шу ҳақда сўзлаб берди.

ТАЪЛИМ

— Халқимизда "Илму ҳунар елга эмас, элга", деган нақл бор. Дарҳақиқат, инсон касб-кори, илму ҳунари билан ҳаётини фаровон, дастурхонини тўкин қилади, ҳам эл-юрт тараққиётига ҳисса қўшади, — дейди Д. Кенжаев. — Мамлакатимизда эртамиз эгаларининг замонавий таълим-тарбия олишларини таъминлаш билан бирга, уларнинг ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, касб-ҳунар ўрганишлари учун муносиб шароитлар яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар замирида ана шундай эзгу мақсадлар мужассам. Зеро, катта ҳаётга қадам қўяётган ёш йигит-қиз касбли, ҳунарли бўлса, келажакда турмуш сўқмоқларида қоқилмайди, жамиятда ўз ўрнини, йўлини топади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 октябрдаги "Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасаларининг 10, 11-синфлари ўқувчилари учун касбий таълимни ташкил этиш тўғрисидаги низом, ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари учун талаб қилинадиган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар рўйхати, 2018 — 2020 йилларда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини зарур жиҳозлар билан таъминлаш дастури, мазкур мажмуалар фаолиятини ташкил этишни мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби тасдиқланди.

Мажмуаларда ёшларнинг касб-ҳунар кўникмаларини пухта ўзлаштиришини таъминлаш, бу борада "Устоз — шогирд" анъаналари, маҳаллий ҳамда хорижий илғор тажрибадан фойдаланиш белгиланган. Жараёнда касбларнинг малака талаблари ва касбий таълим беришнинг методик таъминоти такомиллаштириб борилади. Инновацион-педагогик ҳамда ахборот-коммуникация технологияларининг кенг қўлланилиши касбий таълим бериш сифатини ошириш билан бирга, ўқувчиларнинг замон билан ҳамқадам бўлишига, уларда мустақил фикр ва ҳаётий позицияни шакллантиришга хизмат қилади.

Бу борадаги хайрли ишлар меҳнат бозори учун махсус ҳамда чуқурлаштирилган тайёргарлик талаб этилмайдиган касблар бўйича рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг самарали механизмларидан бирига айланиши, шубҳасиз.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини замон талабларига мос жиҳозлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси, халқаро ҳамда хорижий молия ташкилотларининг маблағлари, жумладан, имтиёзли хорижий кредитлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик маблағлари сарфланади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ташкил этиладиган мажмуалар ушбу таълим муассасаларининг ўқув бинолари, жумладан, синф хоналари ҳамда устахоналаридан бепул фойдаланади. Таълим жараёнига педагоглар билан бирга, моҳир уста-ҳунармандлар ҳам жалб қилинади. Уларни моддий рағбатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш мажмуа фаолият юритаётган таълим муассасасининг харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан биргаликда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидан олисда жойлашган мактабларда ташкил этиладиган мажмуаларни касбий таълим соҳасида амалий-методик иш тажрибасига эга малакали педагоглар, ишлаб чиқариш таълими усталари билан таъминлаш чораларини кўраяпмиз. Мажмуаларда ўргатиладиган касблар бўйича малака талаблари, машғулотлар режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш, уларни мунтазам такомиллаштириб бориш ва амалиётга жорий этиш қатъий назоратга олинган.

Ҳар йили иш берувчилар таклифига асосан, мажмуаларда ўқувчиларга ўргатиладиган касблар рўйхати меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида қайта кўриб чиқилиб, зарур ҳолларда уларга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиб борилади. Зеро, ўқувчилар, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг таклиф ҳамда мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, битирувчиларга умумий ўрта таълим муассасаларини тугатганлик тўғрисидаги шаҳодатнома билан бирга, мажмуада ўргатилган касблар бўйича диплом берилиши кўзда тутилмоқда. Бу ёшларнинг мактабни тугатгач, ишга жойлашиши ёки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчилик билан шуғулланишига имкон беради.

Ота-оналардан фарзандлари эрталаб уйдан ўқишга чиқиб кетгач, баъзан назоратсиз қолаётгани, коллежларда давомат масаласига етарлича эътибор қаратилмаётгани ҳақида эътирозлар бўлиб туради. Энди дилбандлари кўз ўнгида, тураржойига яқин атрофдаги мактабда униб-ўсади. Бундан ташқари, юқорида қайд этилган қарорга мувофиқ, эндиликда тегишли туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари ва умумий ўрта таълим муассасаси директори мажмуаларда касбий таълим бериш жараёнини ташкил қилиш учун ўқувчилар гуруҳларини шакллантириш ҳамда уларнинг давомати устидан доимий назорат ўрнатишга масъул.

Бугунги кунда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг оптималлаштирилиши, айримларида ўқувчилар сонининг камайиб кетиши муносабати билан ўқув бинолари, синф хоналари, техник воситалар ва лаборатория жиҳозларини мактабларга, ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга бериш ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган тадбирлар олиб борилмоқда. Зарур ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш ва нашр этиш ишлари бошлаб юборилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликлари тегишли вазирлик ва идоралар билан бирга, мажмуаларда ўргатиладиган касбларни ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқлаштириш, 2019 йилдан бошлаб эса битирувчилар учун зарур иш ўринлари яратиш чораларини кўраётгани фарзандларимиз истиқболи йўлидаги ишлар ҳар томонлама чуқур ўйлаб, пухта ҳамда режали асосда амалга оширилаётганидан далолатдир. Зотан, юксак билимли, илму ҳунарли, касб-корли ёшлар — халқимизнинг бебаҳо бойлиги, мамлакатимиз тараққиётини ҳаракатга келтирувчи кучдир.

Дилшод КАРИМОВ ёзиб олди.

ТАДБИР

Жорий йил кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хайрли амаллари билан халқимиз ёдида муҳрланиб қолиши муқаррар. Чунки мамлакатимизда илк бор давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари муборак Ҳаж сафарига бепул юборилди. Улар қаторида самарқандлик 4 нафар отахон ҳам ўз орзуларига етганлари алоҳида эътиборга молик.

Кексалар эъзоз ва иззатга муносиб

Шу билан бирга, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими 460 нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фахрийларга 160 миллион сўмлик кийим-кечак, сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатди. Яна бир қувонарли томони шундаки, вилоят туман ҳамда шаҳарларида барча қулайликка эга 16 та "Нуронийлар маскани" қад ростлади, 1098 та маҳалла фуқаролар йиғинида "Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари" тузилиб, уларнинг самарали фаолияти йўлга қўйилди.

— Васийлик кенгашининг йиғилишида шу ва бошқа жуда кўп рўёбга чиққан эзгуликлар, амалга оширилган ишларимиз хусусида сўз юритилди, — дейди Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси Ҳасан Нормуродов. — Айни пайтда хорижда ишлаб қайтган фуқаролар ҳамда ҳисобда турувчи нотинч оилалар ўртасида тарғиботташвиқот ишларини фаол давом эттирмоқдамиз.

Жамғарманинг Иштихон тумани бўлими раиси Баҳодир Хидировнинг таъкидлашича, ички ишлар профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда кечки навбатчиликлар жорий қилингани туфайли қирққа яқин маҳаллаларда жорий йилнинг ўтган даврида умуман жиноят содир этилмаган.

"Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими васийлик кенгашининг йиғилишида ана шулар ҳақида ҳам батафсил маълумот берилиб, "Кекса авлоднинг тажрибаси — ёшларга ибрат" мавзуида фикр-мулоҳаза алмашилгани кўпчиликка манзур бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони доирасида олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинган йиғилиш сўнгида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадбирда жамғарманинг вилоят бўлими васийлик кенгаши раиси, Самарқанд вилояти ҳокими Т. Жўраев сўзга чиқди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маънавият — адолат мезони

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритуви самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш соҳа ислоҳотларининг энг муҳим йўналишлари сифатида мустаҳкамланган.

БУРЧ

Шундан келиб чиқиб, жойларда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларни танлашда уларнинг зарур билим, ҳаётий тажриба ҳамда обрў-эътиборга эга бўлиши, энг муҳими, халқнинг улар ҳақидаги холис фикрига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юксак маънавий-ахлоқий савияга эга бўлмаган юрист кадрлар ҳеч қачон судья лавозимига тайинланмаслиги керак. Адолат ва маънавият ўзаро чамбарчас тушунчалардир. Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди.

Наманган вилояти иқтисодий суди ҳамда унинг ҳудудий судларига судьялар тайинлашда ҳам ана шу талаблардан келиб чиқилмоқда. Номзодларни вилоят, шаҳар ва туман жамоатчилигига тавсия этиш, уларнинг розилигини олиш тамойили кенг қўлланилмоқда. Жумладан, Наманган туманлараро иқтисодий суди судьялигига биринчи бор тайинланаётган Қодирхон Хўжаев ҳамда Алимардон Иномов номзоди Наманган шаҳар фаоллари йиғилишида муҳокама қилинди. Депутатлар, жамоатчилик вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчи ва фаоллар эътиборига номзодлар ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилганидан сўнг кўпчиликнинг фикри эшитилди.

Ўттиз икки ёшли Алимардон Иномов вилоят адлия бошқармасида ўн бир йилдан буён ишлаб келади. Меҳнат фаолияти давомида адолат ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш тамойилини ўзига шиор қилиб олган ҳуқуқшунос ҳамкасблари ва ўзи яшаётган Оромгоҳ маҳалласи аҳолиси, жамоатчилик ўртасида ижобий фазилатлари билан ҳурмат қозонган.

— Уни кўпчилик фаол ҳуқуқ тарғиботчиси, етарли билим ҳамда тажрибага эга мутахассис сифатида яхши билади, — дейди фуқаро Жумабой Ўринбоев. — Ўзига юклатилаётган вазифани тўла уддалаш қобилиятига эга инсон, энг муҳими, ҳар қандай вазиятга холис ва одилона баҳо бера олишга қодир. Шу хусусияти билан судьялик лавозимида ишлаб кетишига ишончим комил.

Жамоатчилик вакиллари вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, касб-ҳунар коллежи ҳамда адвокатура тизимида ишлаб келган Қ. Хўжаевнинг ҳам судьялик лавозимида иш бошлашига розилик билдирдилар.

— Халқ ишончи — юксак масъулият, — дейди у. — Бу масъулият замирида одил судлов, хусусан, суд ишларининг шаффофлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилишдек шарафли вазифалар турибди. Фаолиятимда масаланинг айни жиҳатини ҳамиша ёдда тутаман.

Шунингдек, Янгиқўрғон ҳамда Учқўрғон туманлараро иқтисодий судлари судьялигига тайинланаётган Шуҳрат Тўхтабоев ва Рустам Эргашев номзоди кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ФОРУМ

Соғлом фарзанд туғилиши ҳамда бенуқсон улғайишида, аввало, ота-онанинг саломатлиги, оиладаги маънавий муҳит муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, ёшларда тиббий маданиятни кучайтиришга оид тарғибот-тушунтириш тадбирларини мунтазам ташкил этиш нақадар аҳамиятли эканлиги барчага аён.

Мустаҳкам оила пойдевори

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан "Мустаҳкам оила сари" шиори остида ўтказилган ёш оилалар форуми мазмун-моҳиятида ана шундай эзгу мақсад мужассам. Унда психологлар, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, маданият ҳамда санъат намояндалари, ота-оналар ва ёш оилалар вакиллари қатнашди.

Форумнинг очилишида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Д. Каттахонова ҳамда бошқалар мамлакатимизда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилишнинг мустаҳкам асослари яратилганлигини таъкидлади. Тиббиёт масканларида она ва бола саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган муаммоларнинг олдини олиш, ҳар бир гўдакнинг соғлом туғилишини кафолатлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётганига, таълим муассасалари, маҳаллаларда ёшларни оила қуришга тайёрлаш юзасидан кенг кўламли тарғибот тадбирлари ўтказилаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, айрим ота-оналар кўпинча фарзандининг келажак тақдири, бахт-саодати ҳақида ўйламай, ҳали балоғат ёшига етмаган қизини узатиш ёки қариндошимнинг қизи узоқлашмасин, дея ўғлига унаштириш тараддудига тушади. Аммо бу кўп ҳолларда бўлғуси онанинг саломатлиги ҳамда руҳиятига, қолаверса, ёш оиланинг мустаҳкамлиги, туғилажак фарзанднинг соғломлигига рахна солаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Форумда психологлар, шифокорлар томонидан оммавий ва индивидуал суҳбатлар, тренинглар уюштирилди.

— Эрта турмуш қурган аёлларнинг ҳомиладорлик даврида турли патологик, экстрагенитал хасталикларга учраши кўп кузатилади, — дейди Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази акушер-гинекологи Зарина Ходжаева. — Уларда йўлдош етишмовчилиги, суяклар тизимида салбий ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Бундай ҳолатлар кўпинча бола тушиши ёки ўлик туғилиши билан тугайди. Ёки она қорнида суст ривожланган чақалоқнинг вазни анча кам бўлади. Афсуски, уларнинг аксарияти кўп яшамайди. Бу кейинги ҳомиладорликнинг нормал кечиши ҳамда туғруқнинг табиий равишда амалга ошишига ҳам салбий таъсир қилиши мумкин.

Форум доирасидаги тадбирларда ёшларга ана шу масалалар борасида кенг тушунча, йўл-йўриқлар ва тавсиялар берилди.

Д. ЙЎЛДОШЕВ.

Навбат кутишга чек қўйилди

Дилбар Раҳмонова шифокор қабулига автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда, масофадан туриб навбат олган эди. Тиббий кўрикдан ўтиши учун унга беш-олти дақиқа етарли бўлди.

ҚУЛАЙЛИК

— Мустақиллик кўчасида яшовчи бу бемор 3-оилавий поликлиника тизимига уланган, — дейди Бухоро шаҳар тиббиёт бўлими бошлиғи Ҳамза Сафаров. — Эндиликда ҳар бир бемор ўзига керакли шифокорнинг қайси хонада ва соат нечадан қабул қилишини аввалдан билади. Бу тегишли сайт воситасида амалга оширилиши мумкин. Кутиш вақтини фойдали ташкил этиш мақсадида поликлиника ҳудудида бепул Wi-Fi зонаси яратилган.

Шифокор қабулига масофадан туриб ёзилиш имконини берувчи электрон тизим ёш болали оналар, ҳомиладор аёлларни навбатда туриш ташвишидан халос қилган ҳолда, уларга кўплаб қулайликлар ҳам туғдираяпти. Агар бемор шифокор ҳузурига навбат олмай келган бўлса, у шу ернинг ўзида электрон тарзда навбатда туради. Бунинг учун поликлиника зарур техника ускуналари билан таъминланган. Эътиборлиси, ўтган қисқа вақт мобайнида муассасада салкам тўрт минг нафар киши "электрон поликлиника" хизматидан фойдаланди.

Бухоро шаҳридаги 10 та оилавий поликлиника "Узмединфо" электрон соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш маркази томонидан ишлаб чиқилган мазкур дастурга уланган.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

УТИЛИЗАЦИЯ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ
TABIATGA IMKON BERING
УТИЛИЗАЦИЯ
«TOSHRANGMETZAVOD RECYCLING» МЧЖ
ҳисобдан чиқариш ва утилизация қилиш бўйича хизматларни кўрсатади:
офис ускуналари
алоқа воситалари
маиший техникалар
мебель жиҳозлари
+998 71 122 77 22
www.podarishans.uz
Гувоҳнома № 005137
Хизматлар «TOSHRANGMETZAVOD RECYCLING» МЧЖ томонидан кўрсатилади.

«ELXOLDING» МЧЖ шаклидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси сотувга тақдим қилади.
Ғўза қатор ораларига ва очиқ майдонларга дон экишга мўлжалланган универсал сеялка УСЗД-3,6-0,9
«ELDOSH EL 150» русумли юк мотоцикллари
Тезлик! Куч! Қулайлик!
Маҳсулот омборларда доим мавжуд.
Тўлов шакли — исталган тарзда.
Манзил: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 36-уй.
Телефонлар: (+99891) 541-90-41, (+99866) 234-22-72.
Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 73 542 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.50 Топширилди — 02.00 23456